



Шухрат ЁВҚОЧЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси ректори
сиёсий фанлар доктори, профессор

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

Ассалому алайкум!

Азиз муштарий, «Ислом тафаккури» журналининг 2019 йилдаги илк сони ҳам қўлингизга етиб борди. 2018 йилда битта сони нашр этилган журналимизда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов, Шайх Абдулазиз Мансур, Шайх Алоуддин Мансур, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик, исломшунос олимлар Аҳаджон Ҳасанов, Зоҳидулла Мунавваров, Жамолиддин Каримов, Муслим Атоев ва бошқаларнинг ўқувчиларни бефарқ қолдирмаган мақолалари эълон қилинган.

Журналда илмий мақолаларга кўп ўрин берилгани, ҳатто баъзи мақолалар тор йўналишдаги мутахассисларгагина тушунарли бўлгани учун ўқувчилар ва мутахассислар томонидан турли мулоҳазалар билдирилди.

Шу боис, «Ислом тафаккури» журналининг муассислари, таҳрир ҳайъати, ижодий жамоаси уни қайта рўйхатдан ўтказиб, ҳар ойда 44 бет ҳажмида диний-фалсафий, маънавий-маърифий, илмий-оммабоп сонларини нашр этиб боришга қарор қилдик.

Журналнинг соф илмий мақолалардан иборат нашрлари ўзбек, рус, инглиз, араб ва бошқа тилларда махсус сон сифатида чоп этилади.

Айни пайтда шаклланиш жараёнида бўлган журнал мазмуни ва мундарижаси, ижодий жамоаси ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлгани ҳолда тинимсиз изланишда давом этмоқда. Ўз муштарийларини кашф этиш жараёнида бўлган ушбу нашр ўқувчининг маънавий онги, ахлоқи ва маърифатини юксалтириш йўлида хизмат қилиши лозим.

Муштарий учун қизиқ бўлган мавзулар, кундалик ҳаётимизда жуда кўп тўқнаш келадиган, бироқ ечими кўринмаётган саволлар, турмуш тарзимиз ва жамиятга оид диний масалалар, эътиқод борасидаги қарашлар, бугунги кунда жиддий эътибор талаб этувчи мазҳаблар масаласига нашримизда алоҳида эътибор қаратилади.

Диний ақидалар, анъаналар ҳамда ислом маърифатини ёшларга етказиш йўлида, уларнинг маънавий комиллиги, имонда собитлиги, ҳақ йўлида адашмаслиги учун етук диний уламолар, исломшунос олимлар, ҳадисшунослар, фикҳшунослар ва бошқа олимлар билан ҳамкорлик қилиш биз учун ҳам фарз ҳам қарзидир.

Тинчлик – Яратганнинг улуғ неъматидир. Бу неъматнинг қадрига етиш, уни эъзозлаш, асраб-авайлаш эса ҳар биримизнинг муҳим бурчимиз. Шундай экан, жамиятдаги турли диний тоифалар, эътиқод қилувчилар орасида муроса, диний бағрикенглик, сабр-тоқатлилик асосига қурилган муносабат шаклланимаса, жаҳоннинг кўплаб давлатларида хунрезликлар, талотўплар, нотинчликларни келтириб чиқаришдан манфаатдор бўлган кучларнинг найрангларига ўз вақтида жавоб берилмаса, тинчлик ҳақидаги барча саъй-ҳаракатлар пучга чиқиб қолаверади.

Ислом мўътадиллик, бағрикенглик, тенгҳуқуқлилик, инсонпарварлик динидир. Ислом маърифатини тўғри англаган, қалбига унинг эзгу ақидаларини жойлаб олган, ақидапарастлик, мутаассиблик жаҳолатидан йироқ бўлган киши бу гапларнинг тўғрилигига шубҳа қилмайди.

Диний мавзуда сўз юритишни ўз олдига мақсад қилган нашр эса юқорида санаб ўтилган ҳоллардан жамиятни огоҳ қилиши, ўз саҳифаларида уламолар иштирокида тўғри эътиқод йўлини кўрсата билиши ва бу билан чин маънода жамият барқарорлиги, юрт тинчлигига ўз ҳиссасини қўша олиши лозим.

Мақсадимиз муштарийларнинг дунёқарашини юксалтириш, илм ва ҳунарга даъват, бузғунчи ғоялардан ёшларни ҳимоялаш, динда пайдо бўлаётган ҳар қандай бидъат ва сохта мазҳабчилар ёки бемазҳаблар томонидан тарқатилаётган нотўғри маълумотларни инкор этиш...

Қолаверса, жамиятни радикаллашувга (мутаассибликка) олиб бориш учун йиллар мобайнида миллиардлаб маблағларни сарфловчи, ақидапараст, мутаассиб, бошқача айтганда манқуртга айланиб бўлган оломондан Ватаннинг бор-буди – ер-суви, барча ер ости ва ер усти бойликларини талон-тарож қилишда қулай восита сифатида фойдаланувчи манфур кучларнинг фитналари ва найранглари тўғрисида кенг жамоатчиликка босқичма-босқич маълумот бериб бориш ҳам замон талабидир.

Шу ўринда БМТнинг собиқ бош котиби Кофи Ананнинг Нобел мукофотини олиш чоғида қилган нутқи эсга тушади. «Капалак эффекти» деб номланган ўша нутқда барча учун улкан огоҳлик ётади.

Тинчлик йўлида жаҳон миқёсида улкан ишларни амалга оширган ушбу дипломат ўз нутқида Амазонка ўрмонларида парвоз қилаётган капалакларнинг қанот қоқиши жаҳоннинг бошқа бир нуқтасида иқлим ёки об-ҳаво ўзгаришига таъсир қилишининг илмий исботини ёдга ола туриб, сиёсий жараёнларга, турли мамлакатларда юз бераётган янгиликлар ёки ўзгаришларга асло бефарқ қараш мумкин эмаслигини, бугун жамият ичида пайдо бўлган ва кўпчилик томонидан бефарқлик билан қаршилланган арзимас ҳодисалар вақт ўтиши билан улкан ташвишларни келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлаб ўтганди.

Динда ва жамиятдаги радикаллашув ҳам аслида «капалак эффекти»дан кам эмас. Бу ҳолга ислом маърифати билан курашиш, «Жаҳолатга қарши маърифат» шиорини маҳкам тутиш бизнинг бурчимиздир.